

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

**“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИЙ
ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ**

**ТЎГАРАКЛАРДА
“МУСТАҚИЛЛИК МАШҒУЛОТЛАРИ”НИ
ЎТКАЗИШ ЮЗАСИДАН
ТАВСИЯНОМА**

Тошкент –2012

Тавсияда истиқлол йилларида амалга оширилган улкан ишлар ва келажак авлодга яратилаётган шарт-шароитлар ва имкониятлар тўғрисидаги маълумотлар қисқача тарзда келтириб ўтилган.

Мазкур тавсия билан барча тўғарак раҳбарлари ва услубчилар тўлиқ танишиб чиқишса мақсадга мувофиқ бўлади.

Тўғарак раҳбарлари бевосита ушбу тавсияда келтирилган маълумотлардан ташқари миллий мустақиллигимизнинг шонли тарихи ва тараққиёт йўлига оид ўзлари билган ва гувоҳи бўлган турли хил маълумотлардан фойдаланган ҳолда “Мустақиллик машғулоти”да фойдаланишлари тавсия этилади.

Мазкур тавсиянома Республика Таълим маркази ҳузуридаги “Маънавий-маърифий” йўналишдаги илмий методик кенгашнинг 2012 йил 20 сентябрдаги навбатдан ташқари 8-сонли йиғилиш қарори билан фойдаланишга тавсия этилган.

Мазкур тавсиянома барча таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган тўғарак раҳбарларига фойдаланиш учун тавсия қилинади

Муаллиф: **Р.Бобоқулов** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Ўқувчиларни ижодий камол топтириш гуруҳи услубчиси

Такризчилар: **З.Товбоев** – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази директори

З.Қодирова – “Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази Мониторинг ва маданий оммавий тадбирларни ташкил этиш гуруҳи раҳбари

**“Баркамол авлод-юрт истиқболи,
мамлакат қудрати”.**

И.А.Каримов

“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ТАРИХИ

“Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 28 февралдаги 50-сонли қарорига асосан Республика ўқувчилар саройи негизида ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2011 йил 16 майдаги 104-сонли буйруғига асосан Республика ўқувчилар саройи фаолияти 2011 йил 1 июндан эътиборан тугатилди, унинг негизида бадий ижодиёт йўналишидаги Республика “Баркамол авлод” болалар маркази ташкил этилди. Сўнгра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 20 июндаги 183-сонли қарорига асосан марказ номи “Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт маркази номига айлантирилди.

Марказнинг мақсад ва вазифалари:

“Баркамол авлод” Республика болалар бадий ижодиёт марказининг мақсади ўқувчи-ёшларнинг мактабдан ташқари таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, уларга мактабдан ташқари таълимга қўйилган давлат талаблари асосида қўшимча таълим-тарбия бериш, ўқувчи-ёшларнинг қизиқиш ва эҳтиёжларига мувофиқ турли хил касб-ҳунар сирларидан бошланғич кўникмалар ҳосил қилиш орқали уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишдан иборат. Шунингдек, республикадаги барча “Баркамол авлод” болалар марказларида бадий ижодиёт йўналишида фаолият кўрсатаётган услубчилар ва тўғарак раҳбарларига методик ёрдам беришга ва шу йўналишда таълим-тарбия олаётган иқтидорли ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Жумладан:

–болаларнинг эҳтиёжлари ва қизиқишларига мувофиқ уларнинг ижодий ва бадиий қобилиятларини ривожлантириш, уларнинг фойдали дам олишини ташкил этиш;

–меҳнатсеварликни, касб тайёргарлигининг дастлабки ўқув ва кўникмаларини сингдириш, фан ва техникани ривожлантиришнинг истиқболли йўналишларига мувофиқ техник воситалар ва компьютер технологиялари ишини ўрганишни ташкил этган ҳолда болалар техник ижодкорлигини ривожлантириш;

–болалар томонидан жонажон ўлка тарихи, археологик ва маданий мерос чуқур ўрганилиши, мамлакатимизнинг табиий бойликлари билан таништириш ҳамда экология ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасидаги асосий билимларни эгаллаб олиш;

–мактабдан ташқари таълим тизимида илғор педагогик усуллар ва методлардан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқитишнинг янги шакллари кенг жорий этиш.

“Баркамол авлод” Республика болалар бадиий ижодиёт маркази бугунги кунда Республикадаги барча “Баркамол авлод” марказларининг бадиий ижодиёт йўналишидаги фаолиятига ҳамда мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган услубчилар ва тўғарак раҳбарларига услубий ёрдамлар кўрсатиб келмоқда.

Шу ўринда яқинда чоп этилган Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида” китобидан қисқагина парча келтириб ўтамиз. Мазкур китобни ўқиган одам буларнинг барчаси ҳаётий ҳақиқат эканига яна бир бор амин бўлади. Халқимиз бугун биз доимио шундай бўлиши лозим дея ўрганиб қолганимиз – озод ва эркин, тинч ва осуда ҳаётга не-не машаққатларни енгиб, яна не-не синовлардан ўтиб келганини англайди.

Китобдан Президентимизнинг энг мураккаб, шу билан бирга, ҳал қилувчи давр сифатида эндиликда ўтмишга айланган 1989–1992 йилларда нутқ ва марузалари, чиқишлари, интервьюлари ўрин олган. Бу давр юртимиз тарихида ҳеч шубҳасиз, Республикамиз бошқарувига Ислом Каримов келган ва

мустақиллик қўлга киритилган давр сифатида алоҳида ажралиб туради.

Ғоят қисқа мана шу давр мамлакатимиз тарихида халқимиз ўз йўлбошчиси раҳномалигида озодликка эришган, мустақил тараққиётнинг “ўзбек модели” деган ном билан халқаро миқёсда тан олинган, ривожланиш йўлимизнинг самараси ҳар қадамда кўзга ташланаётган, эл-юртимизнинг азалий меҳнаткашлиги ва меҳмондўстлиги, тинчликсеварлиги ва элпарварлиги, орияти ва меҳр-оқибати, омликорлиги ва бунёдкорлигини дўнёга тўла намаён этаётган давр сифатида абадий муҳрланиб қолади.

Ушбу асар билан барча таълим муассасалари қатори “Баркамол авлод” болалар марказларида кенг танишиб чиқиш тавсия этилади.

“Озодлик”, “Ватан” ва “Она” каби муқаддас сўзлар дунёдаги барча халқлар тилидаги энг тотли, энг улуғ, энг азиз, энг ардоқли ва ҳис-ҳаяжонга тўла каломлардир. Чунки ҳар қандай миллат учун тобеликда, бўйнида занжир, оёғида кишан билан яшаш қанчалик катта фожиа – бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгалик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахтки, буни сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Бундан йигирма бир йил олдин ўзбек халқи ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди. Бутун дунё аҳли буюк аجدодлари инсоният, илм-фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга давлат ва халқ борлигидан ҳамда дунё харитасида янги мустақил давлат – Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига гувоҳ бўлди.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили озод ва обод Ватанимиз солномасида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намоёни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, ғурур ва ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда.

Шу кунларда халқимиз ана шу буюк тарихий сана азиз неъмат – мустақиллигимизнинг 21 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Ушбу қутлуғ байрам юртимизда **“Такдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!”** шиори остида

тантана қилинаётир. Бу эса ўз навбатида қалбларимизга чексиз фахру-ифтихор, ғурур бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган буюк тарихий сана – 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида бекиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду-хуррамлик билан нишонланадиган кутлуғ айёмдир.

Давлатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва ўтган давр мобайнида қўлга киритилган ютуқ ва натижаларни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудратини, унинг халқаро майдондаги нуфузи тобора юксалиб бораётганини, кенг қамровли ислохотларнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада кенгроқ тушунтириш, хусусан таълим тизимидаги амалга оширилган улкан ислохотлар ва эришилган ютуқлар моҳиятини кенг тарғиб қилиш, байрам тадбирларини ватандошларимиз, айниқса ёш авлод қалбида чуқур таассурот қолдирадиган даражада ташкил этиш юксак вазифаларимиздан биридир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 19 июндаги “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги ПҚ–1776-сонли қарори ҳамда Халқ таълими вазирлигининг 2012 йил 22 июндаги 197-сонли буйруқларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

“МУСТАҚИЛЛИК” – ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ-НЕЪМАТ

Мустақиллик халқимизга ўз тақдирини ўз қўлига олиш, тараққиёт йўлини ўзи белгилаш, миллий давлатчиликни тиклаш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, мустақил ички ва ташқи сиёсат юритиш имкониятини берди.

Биз ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаб, азалий қадриятларимизга суянган, ҳолда истиқболли, олижаноб интилишлар билан яшаётганимиз, халқимизнинг асрлар мобайнида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаётни барпо этаётганимиз, барча имкониятлар ва бу йўлда эришаётган ютуқларимизни халқаро

ҳамжамият тан олганлиги, айнан мустақиллик меваси эканлигини тобора чуқур англаб етмоғимиз даркор.

Республикамиз ҳукумати томонидан мустақилликнинг илк йиллариданоқ жисмонан соғлом, маънан етук шахс яратишга эътибор берила бошланди. Бу борадаги ишларни аниқ, мақсадли амалга ошириш учун давлат аҳамиятига молик дастурлар, режалар ишлаб чиқилди.

ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАР – МАЪНАВИЯТ ПОЙДЕВОРИ

Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуслари билан миллий қадриятларимизни тиклаш, тарихимизни чуқур ўрганиш, меъморий ёдгорликлар ҳамда зиёратгоҳларни асраб–авайлаш, жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган буюк алломаларимиз ва Шарқнинг маърифат бешиги сифатида довруғ қозонган қадимий шаҳарларимизнинг юбилейларини нишонлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўтган даврда Самарқанд, Бухоро, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши, Марғилон Хива ва Тошкент каби шаҳарларимизнинг қутлуғ тўйлари халқаро миқёсда нишонлангани бунинг яққол далилидир.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган “Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик тўйини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори бу борада амалга ошираётган эзгу ишларимиз изчил ва бардавом эканини яна бир бор тасдиқлади.

ЮНЕСКО бош конференциясининг 34-сессияси қарорига кўра, мазкур халқаро ташкилот пойтахтимизнинг юбилеи билан боғлиқ тадбирларда фаол иштирок этди. Демак, мамлакатимиз пойтахтида тарихий обидаларни тиклаш, шаҳарни обод этиш, халқ фаровонлигини оширишда чинакам тарихий аҳамият касб этаётган бунёдкорона ишлар кўлами янада янги, юқори босқичга кўтарилади. Зотан, Буюк Ипак йўлида жойлашган ҳамда неча асрлар бўйи шонли тарихимиз, миллий қадриятларимизнинг шаклланиши ва ривожланишида алоҳида ўрин тутган қадимий ва навқирон шаҳримиз юбилейини, пойтахтимизнинг юксак нуфузи ҳамда мавқеига муносиб равишда нишонлашдек шарафли ва масъулиятли вазифани адо этдик.

Дарҳақиқат, Тошкент ўзининг олис ва бой тарихи давомида бошидан қанча-қанча синов ва машаққатларни ўтказган, не-не воқеаларнинг гувоҳи бўлган, доимо улкан сиёсий, иқтисодий, маънавий мавқеини сақлаб турган ва шу боис турли даврларда турлича улуғланган. Пойтахтимизнинг “Тинчлик шаҳри”, “Дўстлик шаҳри”, “Жасорат шаҳри”, “Нон шаҳри”, “Боғ-роғлар шаҳри”, “Шарқ дарвозаси” сифатида шухрати бутун жаҳонга ёйилган.

2007 йили бу таърифлар қаторига “Тошкент – Ислом маданияти пойтахти” деган юксак ном қўшилгани жаҳон ҳамжамиятининг ватанимиз ва унинг пойтахтига чуқур эҳтиромининг яна бир амалий ифодаси бўлди. Ўтган даврда юртимизда мазкур муҳим воқеага бағишланган бир қатор илмий ва маданий тадбирлар ташкил этилди. Президентимиз томонидан 2007 йил 20 февралда қабул қилинган “Ҳазрати Имом (Ҳаси Имом) жамоатчилиқ жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом мажмуасида жуда катта бунёдкорлик, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани таҳсинга сазовордир.

Ҳозирги кунда бу ердаги Ҳазрати Имом жомеъ масжиди, Бароқхон мадрасаси, Мўйи Муборак зиёратгоҳи, Тиллашайх масжиди, Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг биноси ва бошқа ноёб бетакрор иморатлар халқимизнинг буюк бунёдкорлик салоҳияти ва яратувчанлик даҳосининг яна бир марта ёрқин намоёндасига айланган.

Кўкалдош ва Абулқосим мадрасалари Шайх Зайниддин ва Шайх Хованди Тоҳур, Қўйлиқ ота ва Зангиота меъморий обидалари, Хожа Аламбардор мақбараси, Юнусхон хонақоҳи каби меъморчилик ёдгорликлари бисёр.

Шу билан бир қаторда мамлакатимизнинг ҳар бир вилоят ва шаҳарларини гўзал, обод масканга айлантириш борасида алоҳида дастурлар қабул қилиниб, муайян ишлар амалга оширилмоқда. Республикаимизнинг Андижон, Самарқанд, Фарғона вилоятларида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, қиёфаси тубдан ўзгариб, янада обод бўлиб бораётганлиги бунга яққол мисолдир. Монументал санъат соҳасида улкан ишлар амалга оширилиб, табаррук заминимизда туғилиб вояга етган ва мангу ором топган

буюк азиз – авлиёларимиз хотирасига ёдгорлик мажмуалари барпо этилганлигидир.

Жумладан Бухорода Абдухолиқ Гиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқандда Имом Бухорий ва Имом Мотурудий, Марғилонда Бурҳониддин Марғиноний, Тошкент шаҳрида Ҳазрати Имом сингари ёдгорлик мажмуалари яратилганлиги ва ҳозирги кунда муқаддас зиёратгоҳларга айланган бундай мажмуалар маънавий оламимизни юксалтиришга улкан ҳисса бўлиб қўшилмоқда.

Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлмиш она тилимиз 1989 йил 21 октябрда ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Қабул қилинган қонунда давлат тили билан юртимиздаги барча миллат ва элатларнинг тилларини ривожлантириш, давлат йўли билан ҳимоя қилиш, тили, дини ва миллатидан қатъий назар ҳар бир фуқаронинг ўз она тилида таълим, ахборот, керакли маълумотлар олиш каби ҳуқуқларини кафолатлаш масалалари аниқ белгилаб қўйилган. Мазкур қонунинг қабул қилиниши Ватанимиз тарихида том маънодаги буюк воқеа бўлди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 4-сессиясида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мукофотлари тўғрисида” ги Қонуни (1995 йил 22 декабр) қабул қилинди. Бу қонунга кўра, Ўзбекистон фуқаролари меҳнат ва жанговар хизматлари, самарали, давлат, ижтимоий ва ижодий фаолиятлари учун давлат мукофотлари билан тақдирланадилар.

“Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони ва “Олтин Юлдуз” медали, “Мустақиллик ордени”, “Амир Темур” ордени, I ва II даражали “Соғлом авлод учун” ордени, “Меҳнат шухрати” ордени, “Дўстлик” ордени, I ва II даражали “Шон-шараф” орденлари, “Жасорат” медали, “Шухрат” медали, Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти, Абдулла Қодирий номидаги давлат мукофоти, Беруний номидаги давлат мукофотлари таъсис этилганлиги шулар жумласидандир.

Буларнинг барчаси инсон меҳнати қадрланадиган элда яшаётганимиздан далолатдир.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган “Байрам кунлари ҳақида”ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 1995 йил 21 декабрда қабул қилган

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 131-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидаги кунлар байрам куни деб белгиланди.

Унутилиб кетган миллий қадриятларимизни тиклаш, ўзлигимизни англаш борасида яна бир улкан ижобий иш амалга оширилди. Президентимизнинг ташаббуслари билан миллий қадриятларимиз тикланиб, Наврўз байрами, Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр), Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) – диний байрам деб эълон қилинди ва кенг нишонланадиган бўлди.

1 январь – Янги йил.

8 март – Хотин қизлар куни.

21 март – Наврўз байрами.

9 май – Хотира ва қадрлаш куни.

1 сентябрь – Мустақиллик куни.

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни.

8 декабрь – Конституция куни.

Рўза ҳайити (Ийд ал-Фитр) – диний байрамнинг биринчи куни.

Қурбон ҳайити (Ийд ал-Адҳа) – диний байрамнинг биринчи куни сифатида нишонланиши белгилаб қўйилган.

Биз юртимизда 1 октябрь санасини Ўқитувчилар ва мураббийлар куни сифатида умумхалқ байрами деб қабул қилганимизнинг чуқур маъноси бор. Бу байрам аввало ўзининг билим ва тажрибаси, истеъдод ва маҳорати, инсоний фазилатларини, кўз нури ва қалб қўри, бутун борлиғини аямасдан, маърифат йўлида беминнат хизмат қиладиган устоз ва мураббийларга нисбатан халқимизнинг азалий ҳурмат-эҳтиромининг яққол намунасидир.

УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ – МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

Истиқлол йилларида Мустақиллик майдони пойтахтимизнинг улкан меъморий ансамблига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги куни деб эълон қилинган сана – 1991 йил 1 сентябрдан эътиборан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға мувофиқ, Тошкентнинг марказий майдони – Мустақиллик майдони деб атала бошлангани бунда муҳим омил бўлди.

Президентимиз раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари бош майдонимизнинг наинки манзарасини, айтиб чоғда мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди. Залворли ўзгаришлар жараёнида Мустақиллик монументи, Хотира хиёбони барпо этилди. Сенат биноси, Эзгулик аркаси, Тасвирий санъат галереяси, Бизнес – марказ шунингдек, замонавий фавворалар каби буюк бунёдкорлик намуналари яратилди.

Эл-юрт шон-шавкати, ғурур – ифтихори, миллий давлатчилигимиз тимсоли бўлмиш обидалардан яна бири – фарзандини бағрига босиб турган мунис ўзбек аёли сиймоси акс этган юксак меъморий – бадиий мажмуа – Бахтиёр она ҳайкалидир. Мустақиллик монументи ва Бахтиёр она ҳайкали эзгулик аркаси, оқ поёндоз шаклидаги кенг йўлак билан бирга яхлит ансамблни ташкил қилади. Мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини ўзида уйғунлаштирган бу ёдгорлик, Президентимиз таклифига кўра, “Мустақиллик ва эзгулик монументи” деб аталди.

Ана шундай залворли ўзгаришлар жараёнида шаҳарнинг турли жойларида қулай йўл ўтказгичлар ишга туширилди, ҳалқа йўллари ва кўприклар, боғлар, ноёб обидалар барпо этилди.

Эски шаҳар ҳудудида амалга оширилган кўламдор ишлар самаралари кенг ва рағбат кўчаларда, янги турар жойлар, мактаб, маҳаллалар гузарларида ўз аксини топмоқда.

“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

Таълим тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар ҳам ўз моҳиятига кўра мамлакатимизнинг ижтимоий–иқтисодий жиҳатдан ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фарзандлари жисмонан соғлом, маънавий баркамол элнинг эртанги куни янада обод ва фаровон бўлади. Ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етаётган беғубор авлодларимизга боқиб дилингиз яйрайди, ҳавас қиласиз.

Президентимиз И.А.Каримов айтганидек, **“Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”**. Уларни комил инсонлар этиб вояга етказиш, бахти ва қамоли учун ҳеч нарсани аямаслик давлатимиз ва жамиятимизнинг

устивор вазифаларидан бири этиб белгилангани ўзининг юксак самараларини бермоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Таълим тўғрисида”ги Қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”нинг ҳаётга татбиқ этилиши таълим сифати ва мазмун–моҳиятини тубдан яхшилаш имконини берди.

Мазкур қонун ва дастурларнинг асосий вазифаси-узлуксиз таълим тизими орқали инсонни интеллектуал ва маънавий-ахлоқий жиҳатдан ҳар томонлама баркамол шахс-фуқарони шакллантиришдан иборатдир.

Шунингдек, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, унинг тузилмаси ва мазмун-моҳиятини янгилаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарурлиги белгилаб қўйилди:

- шахсга таълим бериш ва уни камол топтиришга йўналтирилган хизматлар кўрсатувчи муассасалар тармоғини кенгайтириш ва бундай хизматлар турларини кўпайтириш;

- миллий педагогик қадриятларга асосланган ва жаҳондаги илғор тажрибани инобатга олувчи дастурлар ва услубий материаллар ишлаб чиқиш;

- ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, шу жумладан, оммавий спорт ва жисмоний тарбия-соғломлаштириш тадбирлари, болалар сайёҳлиги, халқ ҳунармандчилигининг мавжуд турлари ва шаклларины такомиллаштириш, унинг миллий турлари ва шаклларины тиклаш ҳамда амалиётга жорий этиш.

Бугунги кун ёшлари мустақил Ўзбекистонимизнинг келажаги. Уларни қанчалик маънавий жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказиш борасида давлатимиз томонидан улкан ишлар амалга оширилаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2010 йилни “Баркамол авлод йили” деб номланиши ва 2010 йил 27 январдаги ПҚ–1271-сонли қарори билан “Баркамол авлод йили” Давлат дастури ишлаб чиқилиши ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга, Республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳрида

ишлаб турган халқ таълими мактабдан ташқари муассасалари замонавий ва зарур ускуналар билан жиҳозланган “Баркамол авлод” марказлари ташкил этилишига, мактабдан ташқари техник ва гуманитар таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мактабдан ташқари таълим муассасаларининг замонавий моддий-техника базасини ривожлантириш ва шакллантириш, болалар ва ёшларнинг техник ва аниқ фанларни, табиатшунослик ва ўлкашунослик асосларини қўшимча равишда ўрганиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, болалар ва ёшларнинг маданий-оммавий тадбирлар ўтказиши ва дам олиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бадий ҳаваскорликни ривожлантириш, мактабдан ташқари таълим муассасаларини юқори профессионал педагог кадрлар ва мутахассислар билан тўлдириш каби улкан вазифаларни амалга оширишга қаратилган чора тадбирларни ижросини таъминлашга хизмат қилади.

Давлат дастурининг яна бир асосий вазифаларидан бири: таълим жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педогогик технологияларни кенг жорий этиш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини мустаҳкамлаш, ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнاتини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш ҳисобига мамлакатимиз таълим муассасаларида ўқитиш ва таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, ўқитишнинг замонавий воситаларидан фойдаланган ҳолда ўқув-таълим жараёнини яхшилашдан иборатдир.

Шахснинг ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етишини таъминлаш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ва ривожлантириш, ўқувчилар қалбига меҳнатсеварлик туйғуларини сингдириш, шунингдек, уларни бўш вақтдан оқилона фойдаланишга йўналтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 28 февралдаги 50-сонли “Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан ҳар бир туман ва шаҳарда биттадан “Баркамол авлод” болалар марказлари, шунингдек, биттадан вилоят болалар маркази, Қорақалпоғистон Республикасида эса Республика болалар маркази ва Тошкент шаҳрида техник ижодкорлик, бадий ижодиёт, ўлкашунослик ва

экология йўналишларидаги учта “Баркамол авлод” Республика болалар марказлари ташкил этилди.

2011–2014 йиллар мобайнида республикамызда янгидан ташкил этилаётган 211 та “Баркамол авлод” болалар марказлари мукамал таъмирланиб, жиҳозланади.

Таълим-тарбия миллат ва давлат келажагига бевосита дахлдор соҳа. Унинг қанчалик тўғри ташкил этилгани бугунданок ўз меваларини бера бошлади. Йилдан-йилга ёшларимизнинг нафақат мамлакатимизда, балки ривожланган давлатлар ўқувчилари қаторида ҳалқаро миқёсдаги мусобақа, ҳамда турли кўрик–танловларда эришаётган ютуқлари ортиб бораётгани барчамизни бирдек қувонтирмоқда.

Ўзбекистон истеъдодли ёшлар мамлакати. Бугун илм фан, санъат, спорт соҳаларида дунё бўйлаб ўзбек фарзандлари юртимиз шаънини янада юксакларга кўтармоқда. Шу маънода ёш авлодни жисмонан баркамол этиб тарбиялаш, болалар спортини ривожлантириш соҳасидаги ишларни кучайтириш, ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, янги спорт мажмуаларини қуриш ва жиҳозлаш, уларни юқори малакали устоз ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш бўйича самарали ишлар ҳам амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган барча бунёдкорлик ишлари инсон манфаатларини, Ватан қадри, турмуш тарзини ҳар томонлама яхшилашга, инсоннинг жамиятда ўз кадр-қимматига эга бўлишига бир сўз билан айтганда **“Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод ватан!”** деган эзгу ғояни ўзида мужассам этади.

“Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод ватан!” шиори остида ўтказиладиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирларнинг таълим муассасамизда ўтказилишида ёшларимиз онгига тарихан қисқа даврда мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқлар, хусусан таълим объектларида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишларини, юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганини сингдирилишига эътибор қаратилган.

Давлатимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллиги, тарихан қисқа давр давомида мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, эришилган ютуқлар, хусусан таълим

тизимида олиб борилган улкан бунёдкорлик ишлари, ҳамда юртимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб бораётганлиги мустақиллик шарофати туфайли эришилганлигини ёрқин мисоллар орқали ўқувчи-ёшларга етказиш зарур.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизликдан, четдан кириб келадиган турли экстремистик ғоялар ҳамда паст савияли “оммавий маданият” иллатларининг зарарли таъсирлари, таҳдидидан муҳофаза қилиш бўйича ҳам аниқ чора– тадбирлар белгиланган бўлиб, ҳар бир тўғарак машғулотларида ёшлар онгига юқорида баён этилган фикрларни аниқ мисоллар орқали сингдириб бориш мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз И.А.Каримов томонидан мустақиллик умумхалқ байрами деб эълон қилинганига ҳам мана 21 йил бўлди. Шу давр мабойнида юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари, таълим, фан, спорт, соғлиқни сақлаш ва бошқа кўплаб соҳаларда асрга татуғилик ишлар амалга оширилди ва ҳали ҳам босқичма-босқич давом этмокда.

Халқимиз бу йил мустақиллигимизнинг 21 йиллигини жуда ҳам кўтаринки руҳда нишонлашга ҳозирлик кўрмокда.

Шундай экан, бу табаррук санани, кўтаринки кайфиятда ўзгача руҳда кутиб олиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Бунинг учун ўқувчи-ёшларга Ўзбекистон мустақиллик йиллари ҳақида қуйдаги мавзулар бўйича тушунча беришлари мумкин.

1. “Давлат тили тўғрисида”ги Қонун – дастлабки қадам.

Ўзбекистонда 1989–1990 йиллардаги кенг жамоатчилик, ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, Ўзбекистоннинг Иттифоқ ва компартия, мустанлакачи кучлар билан олиб борган сиёсий курашлари ва 1989 йилнинг октябрь ойида ўзбек тилига давлат тили мақомини берган “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиниши мамлакатимизда мустақиллик сари қўйилган илқ қадам бўлди.

2. Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви.

Республикаимизнинг Мустақиллик йўлида қўйган яна бир тарихий қадамларидан бири – Ҳамдўстлик давлатлари ичида биринчилардан бўлиб Ўзбекистонда Президентлик бошқаруви таъсис этиш тўғрисидаги қарорнинг қабул қилинишидир. 1990 йил

24 март куни Республикамиз Олий Кенгашининг 1-сессиясида “Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни) га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди.

3. Ўзбекистон Давлат Мустақиллиги.

Навбатдаги қадамларидан бири 1990 йил 20 июнда Ўзбекистон Республикаси Олий кенгашининг 2-сессияда “Мустақиллик декларацияси”ни қабул қилинишидир. Бунда “Ўзбекистон ССР нинг демократик давлат мустақиллигини Республиканинг ўз ҳудуди барча таркибий қисимларида ва барча ташқи муносабатларида танҳо ҳокимлигидир” деб таъкидланади.

1991 йилнинг 31 августида Ўзбекистон тарихининг Янги даври бошланди. Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдан ташқари 6-сессиясида И.Каримов Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида маъруза қилди ва Олий Кенгаш “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилиш тўғрисида” қарор қабул қилди. Сессияда “Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш Баёноти” қабул қилинди.

Унда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат – Ўзбекистон Республикаси ташкил этилганлиги тантанали равишда эълон қилинди. Сессия “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг асослари тўғрисида”ги Қонунни тасдиқлади. 1 сентябрь – Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик куни – умумхалқ байрами деб эълон қилинди.

4. “Мустақиллик бу – ҳуқуқдир”.

Мустақиллик бу муайян давр мабойнида яратилиши лозим бўлган имконият. Мустақилликни эълон қилиш бир лаҳзалик воқеа, лекин уни амалда жорий қилиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш – бу мураккаб, кўп қиррали, маъсулиятли ва босқичма – босқич амалга ошириладиган жараёндир. Демак Мустақиллик – бу ҳуқуқ маъсулият ҳамдир.

Мустақиллик ҳар қандай давлатга хос тамойилдир.

“Мустақиллик” – сўзи нимани англатади? “Мустақиллик” – сўзи арабча – “мустаҳал” ҳақиқий маъноси – қарам эмас, эркин деган тушунчаларни англатади.

“Биз учун мустақиллик – аввало ўз тақдиримизни ўз қўлимизга олиш, ўзлигимизни англаш, миллий қадриятлар, урф –

***одатларимизни тиклаш ҳаммамиз учун мўътабар шу заминда,
ҳар бир хонадонда тинчлик – осойишталикни сақлашдир”.***

И.А.Каримов.

Мустақиллик дарсларини ўтиш жараёнида янги инновацион технологиялар ва таълим методларидан фойдаланиб дарсни янада қизиқарли ҳамда ўқувчиларга тушунарли тарзда ўтиш таълим жараёнида ижобий ютуқларга олиб келади. Замонавий педагогик технологиялар ва педагог маҳоратига оид билим, тажриба ва интерфаол методлар таълим олувчиларни билимли, етук малакага эга бўлишларини таъминлайди.

Инновация (инглизча innovation) – янгилик, киритиш, янгиликдир. Инновацион технологиялар педагогик жараён ҳамда ўқитувчи ва таълим олувчилар фаолиятига янгилик, ўзгартиришлар киритиш бўлиб, уни амалга оширишда асосан интерактив методлардан тўлиқ фойдаланилади. Интерактив методлар – бу жамоа бўлиб фикрлаш деб юритилади, яъни педагогик таъсир этиш усуллари бўлиб, таълим мазмунини таркибий қисмлари ҳисобланади. Бу методларнинг ўзига хослиги шундаки, улар фақат педагог ва ўқувчи талабаларнинг биргаликдаги фаолият кўрсатиши орқали амалга оширилади.

Бундай педагогик ҳамкорлик жараёни ўзига хос бўлиб, уларга қуйидагилар киради:

- таълим олувчининг дарс давомида бефарқ бўлмаслиги, мусақил фикрлашни, ижод этиши ва изланишга мажбур этиши;
- таълим олувчини ўқув жараёнида билимга бўлган қизиқишларини доимий равишда бўлишини таъминлаши;
- таълим олувчининг билимга бўлган қизиқишини мустақил равишда ҳар бир масалага ижодий ёндашган ҳолда кучайтириши;
- педагог ва таълим олувчининг ҳаммиша ҳамкорликдаги фаолиятини ташкил этиши.

Масалан:


“Кластер” методи

“Кластер” (*гунча, боғлам*) методи педагогик, дидактик стратегиянинг муайян шакли бўлиб, у таълим олувчиларга ихтиёрий муаммо (мавзу)лар хусусида эркин, очик ўйлаш ва шахсий фикрларни бемалол баён этиш учун шароит яратишга ёрдам

беради. Мазкур метод турли хил ғоялар ўртасидаги алоқалар тўғрисида фикрлаш имкониятини берувчи тузилмани аниқлашни талаб этади. “Класстер” методи аниқ объектга йўналтирилмаган фикрлаш шакли саналади. Ундан фойдаланиш инсон мия фаолиятининг ишлаш тамойили билан боғлиқ равишда амалга ошади. Ушбу метод муайян мавзунинг таълим олувчилар томонидан чуқур ҳамда пухта ўзлаштирилгунига қадар фикрлаш фаолиятининг бир маромда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Стил ва Стил ғоясига мувофиқ ишлаб чиқилган “Кластер” методи пухта ўйланган стратегия бўлиб, ундан таълим олувчилар билан якка тартибда ёки гуруҳ асосида ташкил этиладиган машғулотлар жараёнида фойдаланиш мумкин. Метод гуруҳ асосида ташкил этилаётган машғулотларда таълим олувчилар томонидан билидирилаётган ғояларнинг мажмуи тарзида намоён бўлади. Бу эса илгари сурилган ғояларни умумлаштириш ва улар ўртасидаги алоқаларни топиш имкониятини яратади.

“Кластер” методидан фойдаланишда қуйидаги шартларга риоя қилиш талаб этилади.



Мавзуни ўтиш жараёнида ўқитувчи дарснинг технологик харитасини ишлаб чиқиш керак. Бу унинг дарсни тўғри тақсимлашига катта ёрдам беради.

ТЕХНОЛОГИК ХАРИТА (ДАРС РЕЖАСИ):

Маш- ғулот босқич- лари	Машғулот мазмуни		Восита	Ме- тод
	Таълим берувчи	Таълим олувчи		
Ташки- лий қисм 3 дақиқа	Навбатчидан давоматни билиб олиш, таълим олувчиларни дарсга тайёргарлигини текшириш, маънавият дақиқасини ўтказиш	Ҳисобот беради		Оғза- ки
Мавзуга кириш 5 дақиқа	Мавзунинг номи, мақсади ва кутилаётган натижани эълон қилиш.	Фикр билдиради.	Ёзув тахтаси, маъруза матни, дафтар ва дарслик	Оғза- ки
Маълумот бериш 5 дақиқа	Мавзу ҳақида маълумот бериш (режа асосида)	Тинглайди	Кўргазма тарқатма	Маъ- руза
Маълумотларни мустаҳ- камлаш 3 дақиқа Такди- мотга тайёргар лик 15 дақиқа	Топшириқ моҳиятини тушунтириш. Таълим олувчиларни кичик гуруҳларга бўлиш ва уларга топшириқлар бериш: (Назорат саволлари асосида). Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш: Мазмун Дизайн Такдимот	Кичик гуруҳларда иш олиб борадилар; Саволларга жавоб берадилар.	Плакат, фламас-тер, маркер, оқ қоғозлар, маъруза, матн	Ама- лий Класт ер Пин- борд ФС- МУ

Тақдимот 10 дақиқа	Иштирокчилардан олинган жавобларни таҳлил қилиш ва қўшимча маълумотлар бериш. Таълим олувчиларда туғилган саволларга жавоб бериш	Тақдимот: Тушун- маган саволларни сўрайдилар		Муно- зара
Машғу- лотга яқун ясаш 4 дақиқа	Мавзуни умумлаштириш, уйга вазифа бериш ва дарсга яқун ясаш			Оғза- ки

Хулоса қилиб айтганда мустақиллик йилларида бой тарих ва меросимиз, кўхна урф–одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганлиги, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағри кенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бормоқда. Бу улкан ижобий ишларнинг катта қисми келажагимиз бўлган ёшларга кенг йўл очиб берилаётганлигига далолатдир.

Машғулот номи:

Мустақиллик дарси

Машғулот услуби: Ноанъанавий.

Машғулот мавзуси: “Ўзбекистон менинг Ватаним”.

Машғулот вақти: 45 дақиқа.

Машғулот ўтказиладиган жой: 230 хона.

Ташкилий қисм: Навбатчидан давоматни билиб олиш, таълим олувчиларни дарсга тайёргарлигини текшириш, маънавий дақиқасини ўтказиш.

Машғулот мақсади: Ўқувчиларга мустақилликдан кейинги даврдаги ўзгаришларни англаш, билимларини бойитиш; мулоҳаза этиш қобилиятини шакллантириш, мустақил, эркин фикрлашга ўргатиш орқали ўқувчилар ўртасида ўзaro ҳамкорликни юзага чиқариш.

Машғулот жиҳози: 4 та қоғоз, скоч, 4 та рангли маркер ёки фломастер, 4 та конверт (1-конвертда ватанимиз табиати, 2-конвертда давлатимиз рамзий белгилари, 3-конвертда шаҳарларимиздаги ўзгаришлар, 4-конвертда Ватанимизнинг бошқа давлатлар билан алоқалари мавзулари бўйича тасвирлар солиб қўйилади).

Машғулот мавзусига кириш: Ватан – бу халқнинг ўтмиши, келажаги ва бугунидир, Ватаннинг равнақи, аввало, унинг фарзандлари, яъни сизларнинг камолингизга боғлиқ. Ҳар бирингиз инсоният, ватан олдидаги маъсулиятни ҳис қилишингиз, унинг равнақи учун бор билимингиз, кучингиз, салоҳиятингизни сарфлашингиз шарт.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим” дея билдирган истакларини амалга ошириш учун тинмай ўқишимиз, изланишимиз, бир-биримиз билан дўстона муносабатда бўлишимиз керак (Ўзбекистон шеъри-3 дақиқа).

1 – қадам: Ўқувчилар 4 – гуруҳга бўлиниб олади (3 дақиқа).

2 – қадам: Гуруҳ иш тартиби тушинтирилади: 4 та конвертга расмли суратлар жойлаштирилади. Бу суратлар бир неча бўлим,

бир мавзуни қамрайди. Вазифангиз суратларни мазмун ва кетма – кетлик жиҳатдан тартибга келтириб олгандан сўнг, уни ёзма равишда ифодалайсиз. Суратларни таҳлил қилишда ҳамма гуруҳ аъзолари қатнашиши шарт. Матн ёритиб бўлгандан сўнг, бир ўқувчи чиқиб гуруҳ тақдимотини ўтказади. Лозим бўлса тақдимотчига саволлар билан мурожат қилишлари мумкин (4 дақиқа).

3-қадам: Конвертлар тарқатилгач, ишни бошлашга рухсат берилиб, 5 дақиқа вақт ажиратилади.

4-қадам: Тўғарак раҳбари ўқувчиларнинг ишларини кузатади.

5-қадам: Гуруҳ ишлари тақдимоти учун 3 дақиқа вақт белгиланади (3 дақиқа).

Ўқитувчи машғулот якунида қуйидаги саволларни бериши мумкин (9 дақиқа):

1.Сизга гуруҳ бўлиб ишлаш ёқдими ва қандай ишладингиз?

2.Фаолиятингиз даврида қандай тўсиқларга учрадингиз?

3.Нималар сизга ёрдам берди?

4.Сизга ёққан машқнинг икки жиҳатини санаб беринг?

Машғулотнинг кейинги 1 саотида ҳудуд бўйлаб саёҳат уюштирилади.

– Бу саёҳат тўғарак ўқувчиларининг янада яқинироқ танишишлари, дўстлашишлари учун замин тайёрлайди.

Тақдимот: Иштирокчилардан олинган жавобларни таҳлил қилиш ва қўшимча маълумотлар бериш. Таълим олувчиларда туғилган саволларга жавоб бериш.

Машғулотга якун яшаш: Мавзуни умумлаштириш, уйга вазифа бериш ва дарсга якун яшаш.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият” 2008.
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. Тошкент – “Ўзбекистон” – 2012.
3. Ўқувчи маънавиятини шакллантириш. “Шарқ” нашриёт-матбаа концерни. Тошкент 2000 й
4. “Маърифат” газетаси. 1995-2012 йиллар тўплами.
5. Халқ сўзи. 2010 йил 13 ноябр. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қоунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатмизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номли маърузаси.
6. Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2012 йил 27 – январ. “Халқимиз иродаси билан танланган йўл” мавзуидаги давра суҳбати.
7. Маърифат. 2012 йил 4 – феврал. “Улкан жасорат намунаси” мавзуида мақола.

МУНДАРИЖА

“БАРКАМОЛ АВЛОД” РЕСПУБЛИКА БОЛАЛАР БАДИЙ ИЖОДИЁТ МАРКАЗИ ТАРИХИ	3
“МУСТАҚИЛЛИК” – ЭНГ АЗИЗ, ЭНГ УЛУҒ-НЕЪМАТ	6
ЮКСАК ҚАДРИЯТЛАР – МАЪНАВИЯТ ПОЙДЕВОРИ.....	7
УЛКАН БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ – МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ	10
“БАРКАМОЛ АВЛОД” БОЛАЛАР МАРКАЗЛАРИДА ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ	11
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	23